



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 28 август, № 177 (9072)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИЛЛИЙ МУЗЕЙГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ, ЯНГИ АЭРОПОРТ ЭСА МУҲИМ ТРАНСПОРТ ХАБИГА АЙЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Миллий музейининг қурилишига старт берди ҳамда “Тошкент — Шарқий” аэродроми негизда барпо этилган янги аэропортда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Дастлаб Ўзбекистон Миллий музейи қурилишига тамал тоши қўйилди.

Давлатимиз мустақиллиги миллий ўзлгимизни юзага чиқариб, эзгу сайъ-ҳаракатларга асос бўлиб келмоқда. Ҳар йилгидек, бу галги истиқлол байрами ҳам яхши янгиликларга васила бўлмоқда. Шундай тарихий воқеалардан бири янги Миллий музейга асос солинишидир.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари-га ушбу иншоот лойиҳаси ва хусусиятлари, қурилиш босқичлари ҳақида ахборот берилди.

Музей Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси шафелигида Япониянинг “Tadao Ando Architect & Associates” архитектура бюроси ҳамда Германиянинг “Atelier Brückner” компанияси томонидан лойиҳалаштирилган. Унинг ташки қиёфаси айлана, тўрт бурчак ва уч бурчак шаклида бўлиб, Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида уйғунлаштиради. Мажмуа уч қаватли музей, қаватли ертўла ҳамда ёрдамчи бинолардан иборат бўлади. Хитойнинг “CSCEC International Construction” компанияси томонидан қурилади.

Пойтахтимизда ушбу музей қурилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий боғи яқинидаги майдонга маданият ва санъат намояндалари, олимлар ва адиблар, нурунийлар, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

— Ҳамма соҳада ривожланиш билан бирга қадриятларимизни тиклашга ҳаракат қиляпмиз. Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий мажмуаси, Олимпия шаҳарчаси каби улкан иншоотлар қурыпмиз. Бунинг замиридаги асосий мақсад

шуки, бу бинолар халқимизга мулк бўлиб қолиши керак. Мана энди яна бир тарихий мажмуа — Ўзбекистон Миллий музейи қурилишини бошлаяпмиз. Бу музей уч минг йиллик бой тарихимизни одамларга, дунё ҳамжамиятига ва келахак авлодга етказадиган илм-маърифат ва маданият маскани бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, ҳозир биргина Тошкентдаги 30 та музейда 1 миллиондан зиёд экспонатлар бор. Уларнинг 100 мингга Давлат санъат музейида бўлиб, шундан бор-йўғи 2 минг 400 таси намойишга қўйилган. Кўргазма заллари етарли бўлмагани сабабли 97 мингдан зиёди омборда сақланмоқда.

— Марказий Осиё, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Европа давлатлари маданиятини ўзида акс эттирган бу ноёб санъат асарлари нафақат бизнинг, балки бутун инсониятнинг бекиёс бойлиги. Уларни асраб-авайлаб, келгуси авлодлар учун бешиккаст етказиш, дунё оммасига намойиш қилиш орқали мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданиятини тараннум этиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз, — дея таъкидлади Президент.

Бундай маҳабатли музей юртимиз тарихида илк бор барпо этилмоқда. Унинг умумий майдони 40 минг квадрат метр бўлади. Кўргазма заллари, кутубхона, реставрация лабораториялари ва экспонатларни сақлаш хоналарида энг замонавий қўлайликлар ташкил этилади.

Бу орқали ҳозирда пойтахтимизнинг турли музейларида тарқоқ жойлашган тарихий ашёлар, кўҳна ва замонавий санъат асарларини яхлит қўриш мумкин бўлади. Умуман, музейда бир вақтнинг ўзида 10 мингга яқин экспонатларни намойиш қилиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, 4 минг квадрат метр майдонда конференция заллари, аудитория ва рестороанлар, болалар майдончалари жойлашади.

Музей ишга тушгач атрофидаги Абулқосим мадрасаси, Халқлар дўстлиги саройи ва Ўзбекистон Миллий боғи билан бир жойда яхлит меъморий композицияга айланади. Юртдошларимиз ва хорижий сайёҳлар ташриф буюрадиган тематик туризм маскани бўлади.

Келахакда ушбу музей дунёга машҳур Лувр, Метрополитен ва Британия музейлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатади, ноёб экспонатлар олиб келинади ва кўргазмалар ташкил қилинади.

— Ишончим комил, янги барпо этиладиган мажмуа мамлакатимизнинг жаҳон тарихи ва тараққиётда тутган ўрни янада ёрқинроқ кўрсатади. Бир йил эмас, ўн йил эмас, кўп йиллар давомида халқимизга хизмат қилади, — деди Шавкат Мирзиёев сўзининг якунида.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари мажмуа пойдеворида капсула қўйиб, қурилишни бошлаб берди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Шавкат Мирзиёев “Тошкент — Шарқий” аэродроми негизда барпо этилган янги аэропортни бориб кўрди.

Мамлакатимиз тараққий этиб, халқаро нуфузи ошгани сари дунё билан алоқалар фаоллашиб бормоқда. Шу боис транспорт инфратузилмасининг барча йўналишларини мутаносиби ривожлантириш чоралари қўрилмоқда.

Ана шундай стратегик лойиҳалардан бири — “Тошкент — Шарқий” аэродроми негиздаги бизнес авиацияси мажмуаси. Унинг қурилиши 2017 йилда бошланган эди. Пандемия ва ундан кейинги қийинчиликлардан ўтиб, ниҳоят улкан иншоот қуриб битказилди.

Аэропортнинг умумий майдони 561 гектардан иборат. 4 километр узунликдаги учиш-қўниш йўлаги ва 3 та ҳаракатланиш йўли янгиланиб, энг оғир самолётларни ҳам қабул қилиш қувватига эга бўлди. 20 та “ҳаво кемаси”га мўлжалланган перрон барпо этилди. “Boeing 787”, “A 320” каби самолётлар, бизнес-жетлар ҳамда вертолётлар учун ангарлар қурилди. Бу уларнинг

қишда илиқ, ёзда салқин сақланиши ва хавфсизлигини таъминлайди.

Аэропортда VIP ва CIP терминаллар бунёд этилган. Олий мартабали меҳмонлар залида расмий кутиб олиш, музокаралар ва брифинг ўтказиш учун барча шароит яратилган. Соатига 100 нафар йўловчини қабул қилиш қувватига эга CIP терминалида дўкон ва овқатланиш жойлари бўлади.

Мухими, аэропорт ICAO III-A тоифасидаги илгор радиотехника ва метеорология ускуналари билан жиҳозланади. Бу ноқулай об-ҳаво шароитларида ҳам учиб ва қўниш имконини беради.

Янги аэропорт қулай жойлашуви туфайли пойтахт ва Янги Тошкент шаҳри учун муҳим транспорт хабига айланади. Халқаро ташрифлар ва ишбилармонлик сафарларини амалга ошириш имкониятлари кенгайди, хорижий инвесторлар учун шароитлар яхшиланади. Натижада иқтисодий алоқалар ва хизмат кўрсатиш соҳаси янада ривожланиб, иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда жамоат фаоллари, нурунийлар билан суҳбатлашди.

— Кўп йил тайёргарлик қилиб, мана шундай янги аэропорт қурдик. Бу ҳам давлатчиликнинг яна бир заминини. Бу ерда юртимизга келадиган меҳмонлар ва самолётларга юқори даражада хизмат кўрсатилади. Натижада Тошкент халқаро аэропортига юклама енгиллашади. Худо хоҳласа, у аэропорт учун ҳам бошқа жойда улкан мажмуа қуришни режалаштирганмиз. Умуман, ҳамма ҳудудларимизда катта-катта лойиҳаларни бошлаганмиз. Илоҳим, тинчлигимизга кўз тегмасин, янги иншоотлар, фаровонлик халқимизга буюрсин, — деди Президент.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ҲАР БИР ЮТУҚ ВА НАТИЖА, АВВАЛО, ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан турли соҳалар вакиллари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланган эди.

Тошкент шаҳрида 27 август куни ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари барчани, аввало, Мустақиллик байрами билан табриклади. Мамлакатимизда эришилаётган натижаларнинг асоси, сайъ-ҳаракатларнинг моҳияти ҳақида алоҳида тўхталди.

— Янги Ўзбекистонда ортага қайтмас тус олган ислохотларимиз қандай улкан натижалар бераётганини барчамиз қўриб турибмиз. Ўтган саккиз йилда ялпи ички маҳсулотимиз шиддат билан ўсиб, 115 миллиард долларга етди. Бугун битта рақамни биринчи марта айтмоқчиман: Халқаро валюта жамғармаси прогнози кўра, бу йил иқтисодиётимиз ҳажми 130 миллиард доллардан ошиши kutilмоқда. Яъни илгари бундай ўсиш, бундай юксак эътироф ҳеч қачон бўлмаган, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай натижаларга тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани, замонавий саноат мажмуалари барпо этилаётгани, “яшил” ва инновациян иқтисодиётга ўтилиб, муқобил энергия манбалари яратилаётгани, ахборот технологиялари, туризм ва молиявий технологиялар каби хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожлантирилаётгани замин бўлмоқда.

Юртимизда замонавий шахрлар кад қўтармоқда, кишлоқ ва маҳаллалар обод бўлмоқда. Ўтган саккиз йилда аҳоли учун 500 мингга яқин квартиралар кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу мустақиллигининг дастлабки 25 йилидагига нисбатан тўрт карра кўп. Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, кишлоқларни, йўللарни обод қилиш учун 60 триллион сўм маб-

лағ сарфланди. Ёки 130 миллиард доллар хорижий сармоя кириб келди, 100 мингдан ортиқ инвестиция лойиҳалари ишга туширилди, 7 миллиондан зиёд аҳоли даромад-ли бўлди.

— Бундай улкан тарихий ютуқларимиз — ўз вақтида чуқур ўйлаб олиб борган кенг қўламли ислохотларимиз, энг муҳими, одамларимизнинг тафаккури, дунёқарашини ўзгаргани самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Қураётган биноларимиз, замонавий мажмуалар, қулай уй-жойлар, мактаб ва боғчалар, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари мисолида Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва улкан ҳозиргидек салохияти яққол намоён бўлмоқда. Асосийси, қайси соҳада бўлмасин, ҳар бир ютуқ ва натижа, аввало, инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгги саккиз йилда ихтимоий инфратузилмага олдинги йиллардагига нисбатан олти карра кўп маблағ йўналтирилди. Натижада боғча ўринлари 720 мингдан 2,5 миллионга етказилди. 466 та янги мактаб қурилиб, 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. Таалабалар сони 279 мингдан 1,5 миллион нафарга оширилиб, олий таълимда қамров 42 фоизга олиб чиқилди.

Ўтган ҳафтада Тадбиркорлар куни муносабати билан 168 нафар энг илгор бизнес вакиллари, миришкор деҳқон ва фермерлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани қайд этилди.

— Бундай фидойи юртдошларимиз, уларнинг ташаббусларини

қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан чарчамайман. Албатта, бу бежиз эмас. Яхши биласиз, олдинлари, асосан, хомашё экспорт қилар эдик. Барча тармоқларни трансформация қилганимиз ҳисобига, саноат ҳажмини 2017 йилги 29 миллиарддан 70 миллиард долларга етказдик. Агар вақтида тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиб бермасак, бундай ютуқларга эриша олармидик? Йўқ, албатта, — деди давлатимиз раҳбари.

Таъкидланганидек, бугун бизнес вакиллари иқтисодиётимизнинг чинакам таянчига айланди. Биргина қурилиш соҳасини оладиган бўлсак, бу йўналиш олдин ҳеч қачон ҳозиргидек жадал ривожланмаган. Илгари қурилишлар фақат давлат буюртмаси асосида бўлар эди. Бугун хусусий қурилиш компаниялари сони 30 мингдан ошди, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 6 миллиард долларга яқинлашди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон том маънода улкан қурилишлар майдонида айланди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 21 миллиард долларлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Бу 2017 йилдагига нисбатан уч карра кўп.

Бундай улкан ўзгаришларни кишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик, электротехника, машинасозлик, фармацевтика каби йўналишларда ҳам қўриш мумкин.

Мамлакатимизда фақат саноат билан чекланиб қолмасдан, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилётгани таъкидланди.

— Авваллари 500 миллион дол-

ларга етмаган туризм экспорти ҳозир 3 миллиард долларлик маррадан ошди. Етти-саккиз йил олдин IT экспорти 1 миллиард долларга етди, деса, бунга ким ишонарди? Энг муҳими, барча тармоқларга янги илми, замонавий технологиялар кириб келди. Уларда юз минглаб иш ўринлари ва юқори маалака кадрлар армияси пайдо бўлди. Ҳар бир соҳада Янги Ўзбекистоннинг ўз стратегияси, тажриба мактаби шаклланди. Мамлакатимизнинг ана шундай янги тарихи, янги қиёфасини яратишда бутун халқимиз қатори сиз, аэизларнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор ва бунинг учун барчангизга чуқур миннатдорлик билдираман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган ватандошларимизни ҳам табриклади.

Шундан сўнг мукофотланганларга фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

— Миллий истиқлолисимизнинг энг буюк мақсади инсонга эътибор, унинг қадрини, меҳнатини улуғлаш, олийжаноб халқимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишдан иборат. Бунинг учун дақиқаларда барчамиз янада чуқур ҳис этмоқдамиз. Ўз меҳнати билан мана шундай кадр топиш, эл-юрт назарида бўлишдек буюк бахт сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, — деди Президент.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, халқимизга эзгу тилаklarини баён этди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Япония ташқи ишлар вазири Такэси Ивая бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Япония Бош вазири Сигэру Исибанинг самимий саломи ва Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан табрикларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон — Япония стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Фаол мулоқотлар давом этаётгани ва амалий ҳамкорлик жадвал ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Бугун ўтказилган икки мамлакат ташқи ишлар вазириларининг Стратегик мулоқоти биринчи йиғилишининг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, Япониянинг етакчи компаниялари иштирокида йи-

рик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. 17 август куни Осака шаҳрида Бутунжаҳон “EXPO 2025” кўргазмаси доирасида қабул ўтган Ўзбекистон Миллий куни муваффақиятли ўтказилди.

Сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг аниқ лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон — Япония маркази фаолиятини кенгайтириш ва келгусида унинг негизда Япониянинг етакчи университетлари иштирокида қўша университет ташкил этиш режалари қўллаб-қувватланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, “Марказий Осиё + Япония” форматидида бўлажак саммитни ўтказиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг ўттиз тўрт йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида “**Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида**”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **523** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **195** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **147** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **87** нафарининг озодлиқдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **94** нафар шахсга ташкилланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **8** нафарини чет эл фуқаролари, **45** нафарини аёл, **31** нафарини 60 ёшдан ошган эркак, **220** нафарини ёшлар (шулардан **1** нафари вояга етмаган) ҳамда **15** нафарини таққилланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ихроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ў.А.

Сенат кўмитасида



БАРҚАРОР ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитасининг мажлисида Энергетика вазирлигининг истеъмолчиларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш бўйича амалга ошираётган ишлари тахтидан ўтказилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли хонадонлари, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ижтимоий соҳа объектиларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистонда электр таъминоти тармоқларини модернизация қилиш, янги қувватларни фойдаланишга топшириш ва истеъмолчиларга электр энергиясини узлуксиз етказиб бериш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Статистик рақамларга кўра, 2024 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 22,5 млрд. кВт-соат ёки 38 фоиздан кўпни ташкил этган бўлса, 2024 йили бу кўрсаткич 2016 йилдагига нисбатан 21,8 млрд. кВт-соат ёки 48 фоиз кўпайган.

Шу билан бирга, 2025 йилда паст қучланишли 4 530 км. узунликдаги электр узатиш тармоқлари ва 1 756 та трансформатор пунктини янгилаш режалаштирилган эди. Ўтган давр мобайнида 5 829 км. узунликдаги тармоқ ва 1 854 та трансформатор пункти янгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 220 — 500 кВ 91 та кичик станция ва 12,5 минг км. электр узатиш тармоғидан сямарали фойдаланишмоқда.

Шунингдек, 35 — 110 кВ 1 851 та кичик станция ва 278,5 минг км. тармоқ ҳамда 97,9 мингта трансформатор пункти орқали истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилади.

Ўтган 2021 — 2024 йилларда электр тармоқларини ривожлантириш доирасида қуввати 110 — 500 кВ бўлган 1 310 км.лик электр узатиш тармоқлари қурилиб, юқори қучланишли кичик станцияларнинг қуввати 9 348 МВАга оширилди. Шунингдек, 38 051 км.лик электр узатиш тармоқлари ва 11 914 та трансформатор пункти янгиланиш натижасида 8 мингдан ортқ маҳаллаларнинг электр таъминоти яхшиланишига эришилган.

Муҳокама давомида сенаторлар икки босқичли тизимга ўтиш, тежамкор усулга ва қуёш панеллари ўрнатиш ҳамда соҳани рақамлаштириш борасида ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Мажлис сўнггида кўмитанинг соҳани такомиллаштиришга қаратилган тегишли қарори қабул қилинди.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова ўзларининг ҳар ҳил йўналишларга тааллуқли муаммолари билан келган фуқароларни қабул қилди.

Сенатор ва ҳаёт

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан бўлган 30 га яқин фуқаролар билдирган мурожаатлар тўлиқ ва ҳолисона ўрганилди. Айрим масалалар жойида ҳал этилган бўлса, қолганлари бўйича қонуний ечим топиш мақсадида тегишли тартибда чоралар кўрилади.

Мурожаатларнинг асосий қисми моддий таъминот, уй-жой, бандлик, тиббий ёрдам кўрсатиш, тергов жараёни ҳамда одил судловга оид масалаларга тааллуқлидир.

«Халқ сўзи».

ОТАМНИ ЙИҒЛАТГАН ХУШҲАБАР

Ватанимиз мустақилликка эришган кун — кутлуг айём тобора яқинлашмоқда. Юртимиз тарихида ва халқимиз тақдирида муҳим бўрилиш ясаган мазкур санага 34 йил тўлмоқда. Албатта, инсон ҳаёти учун бу йиллар ҳисоби анча узоқ бўлиб туюлиши мумкин, аммо тарих учун бу нихоятда қисқа. Шу маънода айтсак, 34 йил битта давлат ривож ва тараққиёти учун ҳам жуда қисқа давр ҳисобланади. Лекин мамлакатимиз ана шу йиллар ичида жуда улкан марраларни забт этди, десак, муболага эмас.

Мустақилликнинг 34 йиллигига

Айниқса, сўнгги 7-8 йил ичида жамиятимизнинг барча ҳабаҳсида бошланган туб ислохотлар тўғрисида Ўзбекистон дунё давлатлари саҳнида ўзининг муносиб ўрнига, обрўсига, эътирофига эга бўлди.

Ута тезкорлик билан ривожланаётган иқтисодиётимиз, саноатимиз, аграр соҳа, экспорт салоҳиятимиз жуда кўп мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар эътиборини ўзига тортмоқда. Бугунги кунда кўплад давлатлар, жаҳон миқёсидаги нуфузли ташкилотлар Ўзбекистон билан ҳамкорликка интиляпти. Айниқса, фан, таълим, илм, инновация соҳаларидаги ислохотларимиз ўнлаб мамлакатлар учун намуна бўлаётди. Юртимизда олиб борилаётган очиклик сиёсати тўғрисида давлатлараро ҳамжиҳатлик, дўстона муносабатларни шакллантириш борасида ҳам дунё бўйича юксак эътирофларга сазовор бўлмоқдамиз. Бундай улкан ютуқларга кўплад мисоллар келтириш мумкин. Бинобарин, эришган ютуқларимиз билан қанча мактансак, қанча мағрурлансак арзийди. Бу тўғрисида, айниқса, мустақиллигимизнинг илк йилларига ғувоҳ бўлган ва ўша замондаги аҳолини бугунги фаровон ҳаёт билан таққослаш имкониятига эга ҳар бир ватандошимиз ич-ичидан, юрагидан ҳис қилади.

Зеро, Истиклол қуёши таратган бахту саодат, аввало, юртдошларимиз ҳаёти, тақдирида ўзининг ну-

рафшон нурлари билан акс этади. Хусусан, камина ҳам “Мен учун Ватан мустақиллиги нима, бу воқеалик менинг қалбимда қандай хотираларни уйғотади?” деган саволга қалбим шуккуҳа тўлиб жавоб берман ва уни учта воқеа билан ифодалайман.

Эсимда, давлатимиз мустақиллиги дадам қараётган михлиниб, оғир хасталикка чалинган, оиламиз учун қийин кунларнинг бирида эълон қилинганди. Ўшанда ота уйимга келганда, дадам хона тўрида оқ чойшаба ўралиб ҳорғин ётарди, аммо қайфияти аъло эди. Одатда, оғир дардга чалинган беморнинг юзидида қундай шодонлиқни ҳар доим ҳам кўравермайсиз. Дадамнинг хурсандлиги сабабини эса “Хушхабарни эшитдингми, қизим? Ўзбекистон мустақил бўлибди. Худойимга шукр, шу кунларни кўрдик” деган сўзларидан сўнг англадим. Падаври бузрукворимнинг оғир хасталикдан киртайган кўзларида ёш қалқди...

Хайратланарлиси, уруш йилларида 15 ёшида пўлат қуёш цехларида энг оғир ишларни бажарганда, урушдан кейинги очарчилик, қаҳатчилик кунларини бошидан кечирганида, тўққиз болани улағайтириш учун ярим жони билан бир умр заводларда энг қийин ишларни адо этганда йиғламаган отам, шу кунни, яъни Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган кун йилларди...

САМАРАЛИ ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон имзоланди. Мазкур ҳужжат суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг конституций ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш самарадорлигини кўтариш, шунингдек, судларга бўлган ишончни мустаҳкамлаш борасида кейинги йилларда амалга оширилаётган тизимли ислохотларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади.

Муносабат

Демократик йўлдан жадал ривожланаётган янги Ўзбекистон Конституциясида мустақамлаб қўйилган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари даҳисизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақли эмаслиги белгиланган. Шунингдек, ҳар қимнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят бериш ҳуқуқи қафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари ва нормаларини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши йўлга қўйилди. Одил судлов самарадорлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида Олий суд ва Олий ҳўжалик суди негизида фуқаролик, жинсий, маъмурий ва иқтисодий судлов соҳасидаги ягона Олий суд ташкил этилиб, Конституцийий суднинг мустақиллиги мустаҳкамлашга, ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Айтиш жоизки, ҳозирги пайтда халқимиз кенг қўламли ва чуқур ис-

лохотлар самараси ўлароқ барпо этилаётган янги Ўзбекистоннинг ўзига хос давлатчилиги мазмун-моҳиятини бойитадиган, тарихан қатъа аҳамиятга эга бўлган амалий ишларнинг ғувоҳи бўлиб турибди.

Сир эмас, одил судловнинг таъминлашини судьялар корпуси салоҳиятига ва уларнинг мустақиллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Одил судлов академиясининг ташкил этилиши суд тизимини замонавий ва салоҳиятли кадрлар билан таъминлашда янги даврни бошлаб бериш мўқаррар. Шу жиҳатдан ушбу Фармон одил судлов тизимининг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартиришга қаратилган улкан ижтимоий-сиёсий воқеалик бўлди.

Албатта, дастлабки босқичда Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда одил судлов сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш мақсадида тузилган бу кенгаш ва унинг ҳузуридаги олий мактаб жамиятимизда одил судловни таъминлашга қаратилган қатъа ютуқ бўлган эди. Аммо сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан судлар фаолиятида одил судловни амалга ошириш бўйича



қонунийликни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар утдаланган бўлса-да, замон талабларидан келиб чиқиб судьяларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш зарурияти вуқудга келди. Хусусан, ҳаёнда Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган, хорижий тилларни биладиган ва халқаро ҳуқуқ нормаларини яхши тушунадиган судьялар корпусини шакллантиришга янғича ёндашув ҳамда илмфан ва рақамли технологиялар ютуқларини жорий этиш ҳаётий заруратга айланиб бормоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг юқорида айтиб ўтилган Фармони, аввало, суд тизимига замонавий фикрлайдиган, ҳалол ва юксак салоҳиятли янги авлод судьялар корпусини шакллантиришга қаратилган. Фармонда судья кадрларни тайёрлаш тизими негизида том маънода одил судловнинг асосий мақсадлари бўлган ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари қафолатини янада юқори даражага кўтариш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгиланган. Зеро, судьяларнинг чуқур билим ва қўнимқалар ҳамда илгор хорижий мамлакатлар тажрибасига эга бўлиши бевоисита уларнинг касбий салоҳиятини оширади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, юқори кас-

бий малакага эга бўлган судья одил судловни амалга оширишда адолат, қонун ва инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилларини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Судьялар олий мактаби негизида Одил судлов академиясининг ташкил этилаётганлиги суд тизимини салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш борасидаги узлуксиз ислохотларнинг мантйқий давоми бўлиб, Судьялар олий кенгашига суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва судья кадрларни тайёрлаш борасида янада қатъа масъулият юклайди.

Айрим хорижий мамлакатлар амалиётида судья кадрларни тайёрлашда ханузгача ижро ҳокимияти ёки бошқа ҳокимият органларининг аралашуви кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистонда бу борадаги ишлар жаҳоннинг энг илгор тажрибаси асосида йўлга қўйилганлиги ва бу амалда ўз самарасини бераётганлиги давлатимиз раҳбарининг қули сиёсий иродаси маҳсулидир.

Президентимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ва кенг жамоатчилик томонидан қизгин қўллаб-қувватланган ташаббуслари асосида ишлаб чиқилган стратегик дастурлар одил судлов

тизимини янада демократлаштириш ва такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини англайди.

Дарҳақиқат, соҳибқирон Амир Темуր бобомизнинг “давлат қонунлар асосида қурилмақ экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади” деган сўзлари Асосий Қонунимизда акс этган Конституция ва қонун устулиги принципларининг аҳамияти ва ўрнини белғилаб беради.

Айнан шу маънода, Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида инсон қадрини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлаш, адолатли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш устувор йўналиш сифатида белгилангани бежиз эмас.

Президентимиз томонидан имзоланган ҳар икки Фармон 2023 йилда умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари ва руҳига тўлиқ мос бўлиб, мамлакатимизда одил судловни таъминлаш, пировардида мазкур органнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдаги ролини янада юксак даражага кўтаришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг бу каби муҳим Фармон ва қарорлари конституцийий ислохотлар меваси сифатида халқимиз иродаси билан ҳаётимизга татбиқ этилаётган “шаҳс — жамият — давлат” конституцийий тамойилига асосланган янги модель миллий қонунчиликка кенг сиғдирилаётганлидан далолат беради. Айни пайтда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосидаги “инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қадри — энг муҳим қадрият” деган қоидаи судлов тизими фаолиятининг негизига жорий этиш, янги замондаги конституцийий тузумни сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқади, миллий давлатчилигимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлади.

Мирзо-Улугбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституцийий судининг раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.

«САМАРҚАНД» БРЕНДИ ХАЛҚАРО БОЗОРГА ЧИҚАДИ

Бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам етарли

Хабарингиз бор, яқинда Президентимиз раислигида тўқимачилик соҳасида экспорт имкониятлари ва захираларни ишга солиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтганди.

Унда тадбиркорлар билан мулоқот жараёнида таннарх, ишлаб чиқариш ва экспорт бўйича асосли таклифлар бериш, “божхона ҳудудида қайта ишлаш” режими орқали тайёр маҳсулот экспортни 2 баробарга ошириш, кооперацияни кучайтириб, паст қувватда ишлаётган корхоналарни соғломлаштириш чораларини кўриш борасида фикрлашилганди.

Дунёга йўл

Тўқимачиликда “долзарб юз кунлик” эълон қилинди.

Йиғилишда айтилган фикрлар, берилган топшириқлардан кейин шу соҳада иш олиб бораётган тадбиркор сифатида бу борада Самарқанд вилоятининг имкониятлари билан танишиб кўрдим.

Ҳозирги кунда вилоятда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 634 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 261 минг тонна пахта етиштирилади, шундан 47,2 минг тонна қалава ип, 36,2 млн. квадрат метр газлама, 15,5 минг тонна трикотаж мато, 80 млн. жуфт пайпоқ, 88,5 млн. дона тайёр тикув-трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқаришмоқда.

Тизимда 18 минг нафардан кўпроқ одамлар иш билан таъминланган.

Жорий йилнинг олти ойида 3,3 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Шундан, 65 та корхона томонидан 70 млн. доллардан ортқ (ўтган йилдагига нисбатан 105 фоиз) текстиль маҳсулотлари 31 та давлатга, хусусан, энг кўпи Россияга — 39,8 млн. долларлик, Германия — 5,1 млн., Қирғизистонга 4,4 млн. долларлик ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинган.

Бунда 11 турдаги маҳсулотлар четга чиқарилган бўлиб, улар — 22 млн. доллар миқдориде тайёр кийим-кечак, 20,7 млн. долларлик қалава ип, 11 млн. долларлик гилам ва гилам маҳсулотлари ҳамда 6 млн. долларга тенг текстиль маҳсулотларини ташкил қилади.

Албатта, бу ҳали марра эмас. Келгусида ушбу йўналишда умумий қиймати 113,7 млн. долларлик 34 та лойиҳа амалга оширилиб, 4 200 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Вилоятда текстиль ва тўқимачилик йўналишида барча босқичлар амалга оширилган, десак, муболага бўлмайди. Чунки бугунги кунда пахта етиштиришдан тортиб тайёр маҳсулотгача ишлаб чиқариляпти-да. Маҳсулотларимиз эса дунё бўйича сотилмоқда. Шу фактларнинг ўзи Самарқанд тўқимачилик соҳасининг маъкеини кўрсатиб беради.

Мисол учун, Самарқанд туманида жойлашган “Сам Рафатот Текстиль” масъулияти чекланган жамияти уй-текстиль маҳсулотларини “Париса хом” бренди асосида Япония, Европа ва бошқа давлатларнинг 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналарига етказиб беришни йўлга қўйган.

“Самарқанд аппарат” масъулияти чекланган жамияти “Зе Норс Фей” ва “Энгелберт Штраус” брендларида маҳсулот етказ-



моқда. Ушбу маҳсулотлар Европа ва Жанубий Кореяга экспорт қилинади.

“Дақа интеск” МЧЖ томонидан “Глори Жинс”, “Промо текстиль”, “Спорт мастер”, “Апрел”, “Оспин” брендлари остида Россия ва Марка-эти Осие давлатларига 4,5 млн. долларлик маҳсулот жўнатилади.

“Зарафшон текстиль” томонидан ўтган давр мобайнида “Кик” бренди асосида Германиянинг “Кик Текстилен” компаниясига 3 млн. долларлик маҳсулотлар етказилди. Шу билан бирга, “Оджи”, “Фандей” брендлари остида текстиль маҳсулотлари тайёрланиб, Россияга экспорт қилинмоқда.

Бу йўналишда ишлаш жуда яхши тажриба бўлди, лекин энди биз ўз брендинимизни яратиш устида ишлашимиз керак деган тўхтамга келинмоқда. Чунки брендга тикиб бераётган маҳсулотларнинг энг кўп фойдаси бренд эгаларига кетиб қолмоқда.

Масалан, “Самарқандини текстиль” оилавий корхонаси томонидан “Самарқандини” бренди асосида эркаклар кўйлаклари ишлаб чиқарилиб, ички бозорга сотилмоқда. Ҳозирда ушбу корхона чет давлатлардаги бошқа брендларга тикиб бормоқда. Ўзининг брендини рўйхатдан ўтказиб, тўғридан-тўғри “Самарқандини” бренди асосида хорижа жўнатишга фойда ҳам, экспорт ҳам қаррасига ўсади. Ҳозирги кунда Интеллектуал мулк департаменти билан ҳамкорликда рўйхатдан ўтказиш ишлари олиб боришмоқда.

Умуман, вилоятда шунга ўхшаш 7 та текстиль корхонаси ўз брендларини жаҳон бозорига олиб чиқишга киришган.

Маҳсулотларимизни дунё бозорларига реклама қилишда халқаро кўргазмалар муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган бундай тадбирларда маҳсулот жойлаштириш учун 9 квадрат метр ажратилган. Ушбу ҳажмини 50 квадрат метргача кенгайтириш ва харажатларини қоплаб беришни йўлга қўйсақ мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Йиғилишда халқаро консўльтантлар билан биргаликда тўқимачиликни 2030 йилга қадар ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш топшириғи берилди. Бунда чарм, ипак ва гиламчилик саноати равақи бўйича ҳам таклифларни киритиш вазифаси қўйилгани айтилган бўлди.

Марям НИЁЗОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ — ИНСОННИ УЛУҒЛАГАН ДАВЛАТ

Тарихий ўзгариш нуқтаси

Халқимиз мураккаб ва синовларга тўла тарихи давомида турли даврларни бошидан ўтказди. Тинимсиз заҳмат реал ҳаётни ўзгартирмади, кундалик турмушдаги қийинчиликларни енгиллаштирмади. Оқибатда аксарият оилаларнинг иқтисодий ҳолати оғирлашди, давлат инсондан, инсон ҳам давлатдан узоқлашиб кетди.

Халқнинг кундалик ҳаёти, орзу-ниятларини билмаслик мамлакат иқтисодиётини ҳам мураккаб вазиятга солиб қўйган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошқарув фалсафасини тубдан ўзгартирди. Халқимиз бой бўлса — давлат ҳам бой ва қудратли бўлади. Мана шу адолатли тарихий фикр сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, қўйингки, барча соҳада давлатни янгиланди.

Инсон восита эмас, аксинча, унинг яхши ва фаровон, тинч ҳаёти давлатнинг олий мақсади экани алоҳида таъкидланди. Ҳар бир инсон ўз турмушини яхшилаш, болаларига қулай шароит қилиш, рўзгоридан кўнгли тўқ яшаш имкониятига эга бўлиши зарур. Оилалар барқарор бўлмасдан, давлат ва жамият барқарор бўлиши мумкин эмас. Бундан саккиз йил аввал мамлакатда ижтимоий сиёсат ва иқтисодий ёндашув шу тарзда янгиланди.

Халқимизнинг ҳақли танлови

Мавҳум ва олис келажақ ҳақидаги ўйлардан толиққан одамларнинг, аввало, ўзига ишончи сусайиб боради. Интилганлар эришмаган, муҳтожлар ҳимояланмаган, истаганлар рағбатлангирилмаган жамиятда ҳафсала қолмайди. Халқимизга хос бунёдкорлик ҳафсаласини қайта ўйғотиш учун жуда кўп қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келарди. Аввало, давлат бундан кейин халқимизга хизмат қилишига, интилганни қўллаб-қувватлашига миллионлаб одамларни ишонтириш зарур эди.

Шунинг учун барча катта-кичик раҳбар ва мутасаддиларга қайта-қайта ўқутирилди: “Одамлар эртага эмас, олис келажақда эмас, бугун яхши яшاشи керак”. Бу — оддий ва адолатли ҳақиқат. Меҳнат қилган оиланинг бири икки бўлиши, фарзандлар қандай шароитда ўсаётган бўлсин, таълимга, билимга ета олиши, ногиронлиқ бор ёки бемор киши ҳимояланиши, ишсиз киши йўл топиши учун қўллаб-қувватланиши вазифа этиб қўйилди.

Давлат эмас, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатли олий мақсадга қўтарила бошлади. Халқимизда бунини Конституцияда мустаҳкамлаб қўйишдек табиий истак пайдо бўлди. Чунки Бош қомусимизга шу вақтга қадар киритилган ўзгаришлар инсон эмас, асосан, давлат билан боғлиқ бўлган эди. Барча янги меъёрлар “инсон — жамият — давлат” концепциясига риоя этган ҳолда ишлаб чиқилди. Амалда ҳам, қонунда ҳам давлатнинг олий мақсади инсонини, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўлди.

Президент ислохотларининг бошланишида миллионлаб мурожаатларнинг тингланиши, ҳуқуқий, иқтисодий, маъмурий ресурслар орқали ҳал этилиши, ўйсизнинг ватанли, ишсизнинг ишли, касбсизнинг ҳунарли, беморнинг ҳимояли бўлиши халқимизнинг нафақат ишончини қайтарди, шу билан бирга, янги марралар орзусини ўйғотди. Биз доим шундай бўлишни истаймиз, деган истакни кучайтирди.

Бу истак Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат, деган ғояда ғайрашди. Яъни инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун, деган тамойил Бош қомусимизда халқимизнинг юксак хоҳиши билан мустаҳкамланди. Партиямиз депутатлари ва фаоллари билан мамлакатимизнинг барча ҳудудда ўтказилган мулоқотларда бунга бевосита ғувоҳ ва амин бўлдиқ.

Ҳар бир фуқароннинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришишини таъминлаш, ижтимоий тафавутларни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун моддий бойликларни адолат тамойилига мувофиқ тақсимлашга қаратилган давлат модели — ижтимоий давлат. Бу — Халқ демократик партиясининг сиёсий мафқураси, мақсад-муддаси билан уйғун таъриф.

Жаҳонда “ижтимоий давлат” мавқеига эга мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан ҳам юқори даражада ривожланган, иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган, фуқаролик жамияти шаклланган, ҳар бир шахс ўзини намоён қилиши учун тенг шароит яратилган, давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги ижтимоий масъулияти кучли бўлган жамиятлардир.



Энди бунини ўзбекона қилиб айтсак, ижтимоий давлат бу инсонни ўйлайдиган, унинг яхши турмуши учун қайғурадиган, масъулиятни зиммасига оладиган давлатдир.

Ўз мураккаб тарихида мавҳум ғоялар билан сарсонлик кўрган, давлат ким, унинг мақсади нима экани ҳақида саволларга жавоб тополмаган халқимиз давлатни таниб, англаб, у билан бирга ҳаракат қилмоқда, унга талаб ва вазифалар ҳам қўймоқда. Шу маънода, вақти келиб бугунги давр давлатчилигимиз ривожланишининг энг муҳим палласи сифатида ҳам таъдиқотларга асос бўлади, деб ишонаман.

“Президент ислохотларининг бошланишида миллионлаб мурожаатларнинг тингланиши, ҳуқуқий, иқтисодий, маъмурий ресурслар орқали ҳал этилиши, ўйсизнинг ватанли, ишсизнинг ишли, касбсизнинг ҳунарли, беморнинг ҳимояли бўлиши халқимизнинг нафақат ишончини қайтарди, шу билан бирга, янги марралар орзусини ўйғотди. Биз доим шундай бўлишни истаймиз, деган истакни кучайтирди.”

Камбағаллик, фаоллик, фаровонлик

Камбағал, деган сўзни ишлатишдан хижолат бўлинган, хатто кўрқилган замонлар бўлди. Камбағаллиқни тан олмаслик билан у йўқ бўлиб қолмайди. Аксинча, кенгайиб, чуқурлашиб бораверади.

Тан олмаслик, давлатнинг оддий одамлар ҳаётидан, кундалик турмушидан узоқлашиб кетгани, айна пайтда, яқинлашишни истамаётганини ҳам аңлатарди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг энг муҳим ҳақиқий етакчилиги фаилатларидан бири муаммога тик қараш, қанчалик оғир бўлмасин, одамларга яхши бўлиши учун уни ҳал этишда шижоат кўрсатишидир.

Ўртимизда камбағаллик расман тан олиниши ва уни қисқартириш бўйича масли қўрилмаган ҳаракатлар олиб борилишида, йилдан-йилга қатъий вазифалар белгиланишида шундай ноёб фазилатни, қандай ҳолдада бўлишидан қатъи назар, ҳар бир юртодшимизга бўлган меҳрни кўрялмиз.

Оддий ва аччиқ савол: камбағал одам ёки оила қандай юзага келади?

Агар бу саволга ишқамаслик, бекорчиликдан, деб жавоб берилса, камида адолатдан бўлмайди. Чунки экспертлар ва асосийли, ҳаёт ҳуло-сасига кўра, камбағаллиқнинг, оила-лар ўзлари чиқиб кета олмайдиغان ҳолатга тушиб қолишининг давлат ва жамият билан боғлиқ сабаблари оз эмас.

Ҳамма нарса тузумники бўлган, одамларга ёппасига шунчаки меҳнат-кашлар сифатида ёндашилган, улар-нинг эҳтиёжларига вақтида эътибор қаратилмаган даврлар камбағаллиқни қўпайтиради.

Кейинги йилларда камбағаллиқнинг асосий сабабларини бартараф этиш бўйича стратегик вазифалар бел-гилаб берилди, ижроси бўйича нати-жаси ҳаётда кўринадиган таъсирчан механизм жорий қилинди, жараён изчил давом этапти.

Камбағал оила, асосан, шароит, қўллаб-қувватлов, рағбат, имконият берилмаслиги сабабларидан пайдо бўлади. Айтайлик, даромади ҳамин-қадар оиланинг таълим олмаган, ҳунар эгалламаган фарзандлари ке-лажақда яна камбағал оилаларни қўпайтириши эҳтимоли юқори. Шу саба-блари, камбағаллиқни қисқартириш-га комплекс ёндашув яратилди.

Аввал ким нима учун камбағалли-гини билмаган бўлсак, ҳозир қайси оила қандай ёрдам билан шароитини яхшилаши мумкинлиги ҳақида таҳлил ўтказиб, кейин қўллаб-қувватлаш бўйича талаблар қўйилди.

Кези келганда, бир масалани эс-лаб ўтсак. Халқ демократик партияси 30 йиллик сиёсий фаолияти давоми-да камбағаллик масаласи билан бе-восита боғлиқ бўлган “истеъмол са-ватчаси” ҳақидаги масалани кўтариб, бирон-бир натижага эриша олмаган эди. Президент ташаббуси билан ўз вақтида қабул қилинган минимал ис-теъмол харажатлари ҳақидаги ҳужжат орқали қарийб 2 миллионга яқин оилаларнинг нафақалари миқдори де-ярли 2 баробарга оширилди.

2020 йилда жорий қилинган тизим

натижасида узоқ йиллар оғир вази-ятда бўлган миллионлаб одамларнинг шароитлари яхшиланди, камбағал-лик даражаси қисқариб бормоқда.

Албатта, бу борада рақамлар му-ҳим, аммо энг асосий ўзгариш, энг асосий ислохот одамлар дунёқараши-да, оилалардаги муҳитда кўриняпти, десак, тўғри бўлади. Ҳар бир инсон ҳаёти яхши бўлиши учун бугун инти-лиши, ўзи ва яқинлари учун имкони-ятлардан фойдаланиши зарурлигини англаб етмоқда.

Ҳозир камбағаллиқни аниқлаш ме-зонлари ва манзилли рўйхати шакл-лантирилмоқда. Унга “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”даги ҳамда кам-бағалликка тушиш хавфи юқори бўлганлар киритилмоқда. Бундай оилалар “маҳалла еттиллиги” ва фаоллари томонидан овоз бериш йўли билан тасдиқланади. Камбағал-лиқдан чиқаришга қаратилган барча ижтимоий хизмат ва ёрдамлар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказ-лари томонидан амалга оширилади.

Мурожаатларга жойида ечим то-пиш, камбағаллиқни қисқартириш бо-расидаги саъй-ҳаракатлар маҳалла

даражасига туширилганининг замири-да катта маъно, эзгу мақсад бор. Му-тасаддилар, қарор қабул қиладиган катта-кичик раҳбар ва мутахассислар реал ҳолатни, керак бўлса, ранги ва ҳидини билсин, шунга қараб иш кўрсин, деган ибрат ҳам бор бунда.

Камбағаллиқни қисқартириш, эл-юрт хизматида бўлиш масаласида давлат раҳбарининг энг катта ибрати шундаки, мураккаб вазиятга, қандай-дир умидсизликка тушиб қолган оила-ларни, у ердаги очиккўнги оддий одамларни “меннинг ватандошим”, деб ҳурмат қила билиш, яхши кўра олиш керак. Шунда масъулият, рағбат, қўллов ва ислохот реал натижа бе-ради.

Кечагина қийинчиликлар гирдоби-да йўл топилаётган оиланинг бири икки бўлиб, уйига даромад кириб, фарзандлари, яқинлари билан бир дастурхон атрофида шукрона келти-раётганини кўриш заъқи учун ишлаш инсонларпар сиёсат фалсафасини аңлашдир.

Инсон ҳимояси

Жамиятда соҳа ва тармоқлар бир-бирига уйғун тарзда ривожланганда-гина муваф-фақиятлар мустаҳкам бўлади. Битта соҳа-даги ютуқ-лар бошқа-ларига ҳам куч беради, айна пайтда, битта тармоқ-даги муаммо-лар бошқа йўна-лишдаги ислохот-ларга ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Яъни ҳеч бир давлат бир то-монлама ривожлана олмайди. Ўсиш, юксалиш ҳар жиҳатдан уйғун бўлиши мумҳим. Шу маънода, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами жамият ҳаётидан узоқлашиши ёки четлашганига йўл қўйиб бўлмайди.

Мамлакатимизда кейинги йиллар-да ижтимоий ҳимоя тушунчасига ёндашув ана шу нуқтаи назардан бу-тунлай ўзгараётганининг ғувоҳи бўлялмиз. Инсоннинг ижтимоий ҳо-лати, жамиятда тутган ўрнидан қатъи назар, аввало, унинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Партиямиз электорати вакиллари билан мулоқотлар, мурожаатларни таҳлил қилиш асосида ижтимоий ҳимоя масалалари билан ягона ёнда-шув асосида шуғулланидиган яхлит давлат органи йўқлиги масаласига эътибор қаратган, аммо узоқ йиллар муаммо муаммолигича қолиб келаёт-ган эди. Президент бу масалага оқилона ечим топиб, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги катта ва яхлит ти-зим сифатида ташкил этилди. Яқин-да парламентда Ўзбекистон Респу-бликасининг “Ижтимоий иш тўғриси-да”ги Қонуни қабул қилиниши соҳа-нинг ҳуқуқий асосини янада мус-таҳкамлади.

Мушоҳада

Ижтимоий хизмат ва ёрдамни ма-ҳалла даражасида ташкил этиш ва-зифаси қўйилди. Ким ёрдамга муҳ-тож бўлса, унинг мурожаатини кутиб ўтирмасдан, хонадонига бориб қўллаб-қувватлаш чоралари кўрил-моқда.

Ноғиронлиги бўлган шахсларга ишлаш ва касб-ҳунарга ўқишда тўсиқ-сиз муҳит яратиш учун уларнинг “меҳнатга лаёқатини белгилаш” ама-лиётидан воз кечилди. Ноғиронлик касалликка қараб эмас, балки шахс-нинг мустақил ҳаракати, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иш-тирокига қараб белгиланиши айна муддао бўлди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли-ни аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгарди. Энг муҳими, муҳтожларнинг ҳар бири бўйича ин-дивидуал ижтимоий хизматлар дас-тури йўлга қўйилмоқда.

“Маҳалла еттиллиги”нинг қайси ва-кили киришидан қатъи назар, оила-даги муаммо ва имкониятлар аниқла-ниб, “ижтимоий портрети”ни яратмоқ-да. Ёрдамдан сўнг хонадонда нима ўзгарагани мониторинг қилинадиган бўлди.

Ноғиронлиги бўлган шахсларга протез воситаларини бериш, нафақа ва қаровсиз қолган болаларга ва-сийлиқни расмийлаштириш, ўзгалар парварishiга муҳтож кексаларни ёлғиз, деб эътироф этиш каби 49 та ижтимоий хизмат қуйига туширили-ши маҳалладаги ижтимоий ҳодим-ларга катта масъулият ва жавобгар-лик юклади.

Эҳтиёжманд оилалар манзилли ўрганилса ҳамда маҳалла аҳолиси хабардор бўладиган шаффоф тизим яратилса, ҳар бир ижтимоий хиз-матга индивидуал ёндашилса, мо-ниторинги олиб борилса, албатта, ёрдам ҳақиқий муҳтожларга етиб боради.

Долзарб сиёсий вазифалар

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган концеп-туал қоида, қатъий принциплар кейинги йилларда давлатимизни тубдан ян-гиланди. Олдимизда ҳали жуда му-ҳим вазифалар ҳам турибди. Қонун-лар, белгиланган топшириқлар иж-росини таъминлаб, одамларни рози қилиш учун ижро органларининг халқимиз олдидаги масъулиятини янада кучайтириш барчамиздан ўзи-мизга нисбатан талабчанлиқни оши-ришни тақозо этмоқда.

Халқ демократик партияси пар-ламентдаги муҳолифат фракциянинг таъсирчан фаолиятига масъул партия сифатида ижтимоий давлат функ-

“Яқинда парламентда Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий иш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши соҳанинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади. Ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ким ёрдамга муҳтож бўлса, унинг мурожаатини кутиб ўтирмасдан, хонадонига бориб қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда.”

ци я л а р и тўлиқ бажарилиши учун парламент ва де-путатлик назоратини кучайтиришига интилмоқда.

Янги Ўзбекистон фикрлар, қараш-лар ва позициялар халқимизнинг асосида фақатгина инсон ҳимояси, халқимиз фаровонлигини кўзлаб ри-вожланидиган мамлакат бўлиб қадди-ни тик тутаетгани Мустақиллик бай-рами ҳукмрон айна қунарда барча-мизни шукроналик ҳисси билан чулгайди.

Одамларга воситадек муносабат-да бўлиб келинган макондан инсон фаровонлиги олий мақсад бўлган мамлакатга, ўзига ишонган халққа айланаётганимиз бугуннинг реал ҳақиқати.

“Мен ўз халқимни яхши кўраман, ҳурмат қиламан, севаман. Шунинг учун ҳам шу халқ манфаати учун иш-лаялман. Ўзбек халқи ҳам бой бўлсин, бардавом иқтисодга эга бўлсин”.

Давлат раҳбарининг бу сўзлари бир ҳақиқатни бот-бот эсга солади: она халқини чин севганларгина буюк иш-ларга қодир бўлади.

Улугбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари.



Ўзбекистон ва Иордания:

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн 25-26 август кунлари давлат таширифи билан мамлакатимизда бўлди. Икки давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган учрашув ва келишув-лар Ўзбекистон ва Иорданиянинг ташқи сиёсатида, халқаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллади.

Акс садо

Иордания араб дунёсида мин-тақавий барқарорлиқнинг устуни сифатида муҳим роль ўйнайди, ушбу давлат дунёда низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тараф-дори бўлиб келмоқда. Бу нафақат Марказий Осиё минтақасида, бал-ки дунёда доимий тарзда тинчлик ва барқарорлиқни илгари сураёт-ган Ўзбекистон билан солиштир-ганда, икки давлат ташқи сиёсат тамойилларининг уйғунлигидан да-лолат беради.

Иордания кейинги йилларда ўз ташқи иқтисодий алоқаларини ди-версификация қилмоқда, шунга мос ҳолда ўз иқтисодиётида трансформация жараёнларини ўтказмоқда. Унинг иқтисодиёти ишлаб чиқариш, айниқса, фарма-цевтика, тикувчилик ва ўғитларни ишлаб чиқариш, тоғ-кон саноати (фосфатлар, калий), туризм ҳамда ривожланаётган ахборот ва ко-ммуникация технологиялари секто-ри каби бир қанча асосий тармоқ-ларга таянади. Ушбу тармоқлар унинг иқтисодиёти учун жуда муҳим бўлиб, қончилик ва ишлаб чиқариш ялли икки махсулот ва бандлиқнинг катта ҳиссасини ташкил қилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам “Ўзбекис-тон — 2030” стратегияси доираси-да амалга оширилаётган иқтисо-дий ислохотлар жараёнида ушбу тармоқларга алоҳида эътибор қаратилиб, улар жадал суьратлар билан ри-вожланипти.

Шу боис учрашув давомида кимё, тўқи-мачилик саноати, гео-логия, соғлиқни сақ-лаш, фармацевтика, туризм ва бошқа тар-моқларда кооперация-ни кенгайтиришга ке-лишиб олинди.

Ушбу соҳадаги ҳам-корлик мазкур тармоқ-ларни бир-бирини тўлдириш, экспортга оид мавжуд салоҳият-ни тўлақонли ишлатиш, мутахассислар орасида тажриба алмашишда катта имкониятларни очмоқда.

Иордания билан бизни ўхшаш диний қадриятлар ҳам боғламақ-да. Унинг бағрикенг ва маърифат-ли ислом ғояларини илгари сури-ши бир-биримизнинг ҳамкорлиги-мизни ақинлаштирмоқда. Ушбу давлат бўй тарихга эга, унда қўллаб дунёга танилган маданий мерос объеклари мавжуд. Одам-лари эса билимга, таълимга жуда чанқокдир.

Булар ҳаммаси икки давлат ўрта-сидаги сиёсий, маданий-гуманитар алмашинуви янада ривожланти-риш, савдо-иқтисодий ва инвести-циявий ҳамкорлиқни кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Иордания биринчилардан Ўзбе-кистоннинг мустақиллигини тан олди ва ўз элчионасини очди. Бирок фақат охириги йилларга келиб иккала давлат ўртасида сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкор-лиқнинг тизимли ёндашуви ўз ўрнини топишни бошлади.

Иордания Подшоҳлиги Подшоҳи-нинг мамлакатимизга таширифи ва бўлиб ўтган учрашув икки давлат ўртасидаги биринчи олий даража-даги тадбир бўлди. Учрашувда икки томонлама кенг соҳаларни қамраб олувчи 15 та ҳужжат имзолангани мазкур давлатлар орасида ҳамкор-

лиқни чуқурлаштиришга талаб қат-талигидан далолат беради.

Таъкидлаш керакки, соҳалар бўйича келишувлардан ташқари ушбу келишувларни амалга оши-риш бўйича амалиётда сигналган механизмлар бўйича ҳам аниқ тақ-лифлар берилди ва тегишли ҳуж-жатлар имзоланди.

Жумладан, Ҳукуматлараро “ко-миссия ва Ишбилармонлар кенга-шини ишга тушириш ҳамда жорий йил якунигача уларнинг йиғилиш-ларини ўтказиш тақлифи билдирил-ди. Шунингдек, икки мамлакатнинг етакчи компания ва ишлаб чиқа-рувчилари иштирокида Ўзбекистон — Иордания бизнес форумини ўтказиш бўйича келишиб олинди.

Бундай шаклдаги институционал платформалар ҳозиргача бошқа давлатлар билан алоқаларни кен-гайтиришда, савдо-иқтисодий ҳам-корлиқни ривожлантиришда ўз са-марасини кўрсатди. Шу муносабат билан мазкур платформалардан самарали фойдаланиш юқори да-ражадаги келишувларнинг сифат-ли ва ўз вақтида бажарилишига, тез фурсатда ижро этиш жараёни-да пайдо бўладиган тўсиқларни би-лишга ва уларнинг ечимини топиш-га хизмат қилади.

Давлат таширифи доирасида Президентимиз Иорданиянинг “Ан-Нахда” ордени билан тақдирлан-ди. Олий мукофотни давлатимиз раҳбарига Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн шахсан топширди.

Иорданиянинг энг нуфузли мукофоти давлатимиз раҳбарига берилиши икки мамлакат ўртасида юқори даражадаги ишонч алоқалари ўрнатилиши ҳамда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги ҳам-корлиги ривожланишига, уни юқори бос-қичга, яъни кўп қиррали амалий даража-га олиб чиқишга қўшган улкан ҳиссаси-нинг тан олинишидан далолат беради. Ўз навбатида, ушбу юксак мукофотнинг берилишини Ўзбекистондаги демократик ислохотлар, мамлакатимизда халқнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган туб ўзга-ришларнинг эътирофи сифатида ҳам ба-ҳолашимиз керак.

Шу билан бирга, ҳозирги зид-диятли даврда халқаро майдон-да давлатимиз раҳбари бошчи-лигида олиб борилаётган Ўзбе-кистоннинг тинчликпарвар ва ин-сонпарвар сиёсати, халқаро савдо-иқтисодий занжирлар узилиб кетилмаётган вазиятда жаҳон ва минтақа даражасида иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, Президентимизнинг ушбу зан-жирларни қандай қилиб бўлса ҳам тиклашга қаратилган саъй-ҳаракатларини Иордания юксак баҳолаётганини кўрсатмоқда.

Албатта, ушбу учрашув биз, депутатларга ҳам катта масъули-ят юклади. Икки давлат ўртаси-даги алоқаларни янада кенгайти-риш, юқори даражадаги келишув-ларнинг ижроси бўйича самара-ли парламент назоратини ўрнатиш, Иордания парламенти аъзолари билан парламентлар-аро ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаол бўлиши талаб эти-лади.

Улугбек ШЕРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАЛАРИ

Бугун маданий меросимизни ўрганиш, хорижий мамлакатларда сақланаётган Ўзбекистонга оид меросни тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Айни пайтда олимлар ва мутахассисларимиз хорижий мамлакатлардаги музей ҳамда кутубхоналар, шахсий коллекцияларда сақланаётган нодир дурдоналарни излаб топмоқда.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази делегацияси таркибида шу йилнинг 11 — 13 август кунлари Эрон Ислон Республикасида бўлиб қайтдик. Сафар давомида турли учрашувлар, мулоқотлар бўлиб ўтди, самарали келишувларга эришилди.

Таассурот

Эрон кутубхонасида Ўзбекистон хонаси

Эрон Миллий кутубхонаси мамлакатнинг йирик маданий марказларидан бири. 1935 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган ушбу зиё масканида 10 миллиондан ортиқ кўлэмалар, тарихий ва замонавий китоблар, архив ҳужжатлари, газета ва журналлар сақланади. Эрон Миллий архиви ва кутубхонаси раҳбари Фуломризо Амрхоний ўтган йили август ойида “Буюк аждодлар мероси — учинчи Ренессанс асоси” мавзuida Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро конгрессда иштирок этаркан, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази учун алоҳида хона ажратилишини билдирган эди. Сафар асосида Эрон Миллий кутубхонасида Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази хонасининг очилиш маросими ҳам ўтказилди.

Фуломризо Амрхоний Ўзбекистон билан муносабатлар кундан-кунга юқори босқичга чиқаётганини юксак баҳолаб, “Икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабатлари самараси ўлароқ кутубхонамизда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази хонаси очилгани ҳам асрий дўстлигимизнинг яққол тимсолидир”, дея таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти топириги асосида наshr этилган “Катта Лангар” Қуръонининг факсимиль нусхаси Эрон миллий архиви ва кутубхонасига топширилди.

Буюклардан қолган бебаҳо мерос

Тадбир иштирокчилари Эрон Миллий кутубхонасида ташкил қилинган Ўзбекистон маданий меросига оид кўлэмалар кўргазмаси билан ҳам таниш-

ди. Кўргазмада Алишер Навоийнинг терма девони, Хофиз Абрўнинг “Мажмаъ ут-таво-рих”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” сингари асарлари намойиш этилди. Мазкур кўлэмалар саҳифаларида Амир Темурнинг ўғли Шохрух Мирзо дастхати ҳам ўрин олгани алоҳида эътиборга молик.

Шу куни Техрон шимолида, Дамованд тоғи этақларидаги Саъдобод мажмуасига йўл олдик. Ушбу мажмуа ўтган асрнинг 70-йилларида қадар паҳлавийлар сулоласи расмий қароргоҳи вази фасини бажарган. Айни пайтда мажмуа таркибидаги саройлар музейга айлантирилган.

Саъдобод мажмуасидаги Ҳарбий тарих музейи экспонатлари билан танишиш асносида Эроннинг 3 минг йиллик тарихига тегишли турли кўринишдаги қурол-яроғлар, ҳарбий ҳаёлар, саркардаларнинг шахсий буюмларини кўриш мумкин. Эътиборли томони, музейдан соҳибқирон Амир Темурга мансуб иккита пўлат қилич ҳам ўрин олган.

Музей ходимларининг айтишича, Соҳибқиронга тегишли бу қиличлар узоқ муддат сафавийлар саройида сақланган. Ўтган асрнинг 80-йилларида бу бебаҳо артефактлар ушбу музейга топширилган.

Жорий йилда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази очилиши муносабати билан хорижий тўпламлардан келтирилаётган юртимиз маданий меросига оид артефактлардан иборат кўргазма ташкил қилиниши кутилмоқда. Ушбу кўргазмага Эрон миллий музейидан 20 дан ортиқ артефактлар олиб келинади. Эрон миллий музейи раҳбари Жаброил Нокандеҳ Ўзбекистонга олиб бориладиган артефактлар рўйхати тасдиқланганини, музей раҳбарияти кўргазмада ўз экспонатлари

билан қатнашишга тайёрлигини билдирди.

Ҳазрат Навоийнинг кутлуг қадами

Мамлакатнинг Ўзбекистон тарихига алоқадор шаҳарларидан яна бири — Машхадир. Шаҳар хоразмшоҳлар, темурийлар, шайбонийлар ва бошқа ўзбек сулоалари учун катта аҳамиятга эга бўлган. 1418 йилда Машхадда Шохрух Мирзо хукмронлиги даврида Гавҳаршод-бегимнинг шахсий маблаглари ҳисобидан йирик жоме масжиди бунёд этилган.

Гавҳаршодбегим (1378 — 1457) темурийлар тарихида катта таъсир кучига эга бўлган аёл-



лардан бири, Амир Темурнинг оқила келини, Шохрух Мирзонинг суюкли рафиқаси эди. У Хуросонда жуда кўп бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган. Гавҳаршодбегим масжиди нафақат ушбу мамлакат, балки ислом оламининг энг гўзал обидаларидан бири саналади. Имом Ризо мажмуаси таркибидан ўрин олган бу масжидда олти асрдан бери мусулмонлар узлуксиз тарзда ўз ибодатларини адо этиб келади.

Бундан ташқари, Имом Ризо мажмуасидаги Инкилоб майдони ҳудудиде буюк мутафаккир Алишер Навоий томонидан махсус айвон қурилган.

Маълумки, Алишер Навоий бу шаҳарда маълум муддат яшаган, тахсил олган. Кейинчалик Машхадда қатор қурилиш ва ободончилик ишларини амалга оширган. Ҳазрат Навоий қўрсатмасига биноан, Имом Ризо мажмуасининг қаршида зиёратчилар учун алоҳида айвон қурдирилган. Аммо орадан вақт ўтиши билан мажмуа таркибидеги айвон, хонақоҳ ва мажмуаларга жиддий шикаст етган. Афшарлар ҳукмдори Нодиршоҳ 1734 йилда Алишер Навоий томонидан қурилган ушбу айвонни таъмирлатиб, унинг юзаси-

ни олтин қопламалар билан зийнатлайди. Шундан сўнг бу айвон халқ орасида “Нодиршоҳнинг олтин айвони” деб ном олади.

Сафар давомида ушбу тарихий обидалар, Остони Қудс кутубхонасидаги Ўзбекистонга оид кўлэмалар ва ҳужжатлар билан яқиндан танишдик. Кутубхонада Алишер Навоий меросига оид ўнлаб кўлэмалар, темурийлар даврида кўчирилган Қуръон кўлэмалари, бетакрор миниатюралар сақланади. Бизга бу ерда Хива хони Абулғози-хон V имзолаган фармоннинг асл нусхасини ҳам кўрсатишди.

— Жорий йилнинг май ойида Тошкентда, хусусан, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси

марказида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишдик. Бу марказнинг бунёд этилиши Президент Шавкат Мирзиёевнинг тарихий меросини ўрганиш ва асраб-авайлашга қаратаётган улкан эътибори натижасидир. Биз ушбу марказ билан яқин ҳамкорлик қилишдан бениҳоя хурсандимиз, — деди Остони Қудс кутубхоналар, музейлар ва архивлар бошқармаси бошлиғи Саййид Жалол Ҳусайний биз билан учрашувда.

Тадбирда келгусида Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази билан меморандум имзолаш, кўлэмаларнинг электрон ва факсимиль нусхаларини айирбошлаш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон делегациясига XV асрда темурийзода ҳукмдор Иброҳим Султон томонидан кўчирилган Қуръон карим кўлэмаси топширилди.

Тенгсиз ҳафкат ва чексиз тафаккур гўшаси

Эрон — буюк тарих, маънавий қамолот, нодир обидалар дёбири. Йўл-йўлакай Тус шаҳрида буюк шоир Абулқосим Фирдавсий мақбараси зиёрати ҳам эсда қолари бўлди.

Фирдавсий — Шарқ адабиётининг буюк сиймоси, “Шоҳнома” достонининг муаллифи сифатида жаҳонга танилган. Унинг ҳаёти ва ижоди Эрон халқининг тарихи, маданияти ва миллий ўзлиги билан чамбарчас bogлиқ. Фирдавсийнинг бебаҳо меросига бўлган ҳурмат унинг вафотидан кейин ҳам асрлар давомида сақланиб қолган. Ушбу эътиборнинг ёрқин намунаси сифатида Фирдавсий мақбарасини келтириш мумкин.

Фирдавсий мақбараси Эроннинг Хуросони Разавий вилоятидаги Тус шаҳрида жойлашган. Мақбаранинг атрофи гўзал bog билан ўралган. Bogда турли гуллар, дарахтлар, мрамор йўлаклар ва ҳовузлар мавжуд. Бу ерда сайёҳлар ва зиёратчилар дам олишлари, Фирдавсий руҳига ҳурмат бажо келтиришлари мумкин. Мақбаранинг ёнида Фирдавсий музейи ҳам жойлашган. Музейда “Шоҳнома”нинг кўлэма нусхалари, шоир ҳаётига оид ҳужжатлар ва тарихий экспонатлар намойиш этилади.

Мақбара ҳудудида ўтказилган анжуманда “Шоҳнома”дан парчалар ўқилди, илмий мулоҳазалар билдирилди. “Шоҳнома” ва ўзбек адабиёти, туркий ҳукмдорларнинг бу улғу шоирга муносабати хусусида ҳам суҳбатлашдик. Зотан, темурийзода ҳукмдорлар “Шоҳнома”ни қайта-қайта кўчиртиришган, рассомларимиз ушбу шоир асарга бағишлаб ўнлаб сара миниатюралар яратган. Алишер Навоий сингари шоирларимиз ўз асарларида Фирдавсийнинг буюк даҳоси ва фасоҳатини таърифу тавсиф қилган.

Мақбарадан узоқ бўлмаган ерда Хоруний хонақоҳи жой олган. Гарчи бу обида номи аббосийлар халифаси Ҳорун ар-Рашидга нисбат берилса-да, у XV аср бошларида Шохрух Мирзо ҳукмронлиги пайтида қурилган. Махмуа таркибида мадраса ҳам бўлиб, у салжукийлар даврига оид Низомия мадрасаси ўрнида қад ростлаган. Мадраса ва хонақоҳ асрлар давомида Тус шаҳридаги маърифат ва маънавият даргоҳларидан бўлиб келмоқда.

Албатта, Эроннинг турли шаҳарларида муштарак тарихимизнинг ҳали биз билмаган яна қанча-қанча сир-синаотлари яширин. Аммо бу синоатларни англаш, ҳис қилиш учун уларни қайта кўриш, батафсил ўрганиш, завқ олиш зарур. Шу боис яна келиш орзусида бу қадим дийрдан Ватанга қайтдик...

Рустам ЖАББОРОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштирилаётган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога тақлиф этиди



“O‘z sanoatqurilishbank” ATB билан тузилган 2025 йил 18 июндаги №18-2025ER сонли шартномага асосан “O‘z sanoatqurilishbank” ATB балансида бўлган мулк Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-қарорига асосан сотувга чиқарилмоқда:

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, “Биҳиштиён” МФЙ. И. Каримов кўчаси 1/1-уйда жойлашган, Блок-А ертўла “Алора” савдо дўкони — бошланғич баҳоси: 7 650 млн. сўм.

Юқорида кўрсатилган мулк йиллик 14 фоиз устама билан бошланғич тўлови 20 фоиздан кам бўлмаган ҳолда

5 йилга бўлиб тўлаш шарти асосида сотувга чиқарилмоқда.

Савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар “e-rieltor.uz” платформаси орқали ариза беришлари мумкин.

Call-марказ: +99855-517-22-20. Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

ҚАЙИРМА АНОРИ

Чуст туманидаги Қайирма маҳалласи аҳолисининг асосий қисми анорчилик билан шугулланади. Об-ҳавонинг ҳароратли келиши билан бу йил меванинг эртапишар нави барвақт шира bogлади. Айни пайтда кўпчилик томорқа эгалари ҳосил йиғимига киришган.

Омилкорлик

— Бир гектар анорзор хонадонимизнинг асосий барака манбаига айланган, — дейди уста bogбон Илсжон Мансуров. — Этишти-раётган мевамиз донаси йириклиги ва шарбатининг тотлиқлиги билан харидор-гир. Бултур 15 тонна ҳосилдан 150 миллион сўм даромад олгандик. Бу галги мавсум янада баракали — 20 тонналик хирмон кўтаришни чамалаб турибмиз.



Шу кунларда ҳосилнинг этилган қисми пешма-пеш терилиб, омборга жойланмоқда.

Юртимизда этишти-раётган ҳар меванинг суйган боғи бор. Қайирма маҳалласидаги мингдан зиёд хонадон соҳибларининг 700 дан ортиги анорчиликни оилавий бизнесга айлантиргани уларга тўкин-

чилик ва юқори даромад олиб кирмоқда. Ҳар бир хонадондан йилга ўртача 100 миллион сўмлик атрофидеги ҳосил бозорга етказиб бериляпти. Бу эса маҳаллага айна тармокнинг ўзидан миллиардлаб маблаг кириб борапти, дегани.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Гимнастикага ихтисослаштирилган спорт мактабига талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, 7 — 11 ёшдаги ўқувчи-спортчиларни 1 — 4-синфларга ўқишга қабул қилишга рухсат этилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 21-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.

Мусаҳҳих — С. Ислон.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.45 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6

Бунёдкорлик



ТАЛАБАЛАР УЧУН МУНОСИБ ТУҲФА

Самарқанд давлат университети интеллектуал тизимлар ва компьютер технологиялари факультетининг янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан университетда ташкил этилган тадбирда марказий студия орқали мамлакатимизнинг йигирмага яқин олий таълим муассасаларида янги қурилган ўқув бинолари ва талабалар тураржойларининг очилишига Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой Шарипов, Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродов шарт берди.

— Бугун давлатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида талабаларимиз учун муносиб туҳфа тайёрланганини катта мамнуният билан эълон қилмоқчиман, — деди Қўнғиротбой Шарипов. — Яъни республикамиздаги 18 олий таълим муассасасида 9 минг 980 ўрин-

ли янги талабалар тураржойлари ҳамда минг ўринли ўқув биноси тўлиқ қуриб битказилди, фарзандларимиз учун фойдаланишга топширилди.

Рустам Холмуродов ўз сўзида бугун интеллектуал тизимлар ва компьютер технологиялари факультетининг интеллектуал тизимлар ва компьютер технологиялари факультети учун қурилган, минг ўринли ўқув биноси тимсолида фарзандларимиз орзулари, бахту иқболи ва эртанги куни мужассамлашганини таъкидлади.

Янги бинолар фойдаланишга топширилгандан сўнг Самарқанд давлат университетининг интеллектуал тизимлар ва компьютер технологиялари факультети кўздан кечирилди. Замонавий шарт-шароитларга эга мазкур бино тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

«Халқ сўзи».

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР



Юртимизда энг улуг, энг азиз байрам шуқуҳи кезаётган шу кунларда Фарғона шаҳридаги Абдулла Қодирий мавзесида ҳарбий хизматчилар учун барпо этилган 8 қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Тантанали тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий хизматчилар оилаларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Эзгу ташаббуслар ижобати йўлида хизмат уйлари, янги уй-жойлар қурилиб, дастлабки тўловлар имтиёзли тарзда давлат томонидан қоплаб берилаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Айни жараёнда 2020 йилдан буюн Фарғона вилоятида 540 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзоларига намунавий уй-жойлар топширилди. Бугун эса яна 50 та ҳарбий оила ўз хонадонларига эга бўлди.

— Оиламиз билан янги уйга қўлиб ўтдик, — дейди майор Азизбек Мадаминов. — Янги уйи бўлиш туйғуси одамни беҳад руҳлантириб юборар экан. Бундай эътибор ва рағбатдан жуда ҳам миннатдоримиз.

Оила бекаси Наргиза Мадаминова ўқитувчи. Унинг айтишича, бу янгилик ўзи ва фарзандлари учун унутилмас хурсандчилик бўлди.

— Бизнинг давримизда бу каби қулайликлар йўқ эди, — дейди истеъфодаги подполковник Воҳиджон Тошалиев. — Бугунги шароитлар, имтиёз ва имкониятларга ҳавас қилса арзийди. Айниқса, ҳарбий хизматчи уй топширилиши унинг кўнглини хотиржам қилади ва масъулиятини янада оширади.

Тадбир давомида рамзий тасма қўриқлиб, йиғилганлар замонавий кўринишга эга шинам хонадонларда яшовчилар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечиришди. Нурунийлар дуога қўл очиб, элга тинчлик ва хотиржамлик, оилаларга бахту саодат сўраб тилак билдирди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).